XALQ DEPUTATLARI BUXORO SHAHAR KENGASHINING QARORI

2021 - yil 30 - dekabr VI-63-109-2-42-K/21 Buxoro shahar hokimligi

Бухоро шаҳрининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддалари, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 99-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/835-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига (кейинги ўринларда - Қонун деб юритилади) мувофиқ, Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 213,0 млрд. сўм, харажатлари 216,7 млрд. сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 3,7 млрд. сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун Бухоро шаҳрини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага;

2022 йил учун шаҳар маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага;

2022 йил учун шаҳар бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага;

2022 йил учун шаҳар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага;

2022 йил учун шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага;

2022 йил учун вилоят бюджетидан шаҳар маҳаллий бюджетига ажратиладиган

тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага;

2022 йил учун шаҳар бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

шаҳарда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер учун маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида белгиланган ставкалар 8-иловага мувофиқ белгилансин.

4. 2022 йил учун шаҳар бюджети захира жамғармаси ҳажми 2 025,2 млн. сўм миқдорида белгилансин.

5. Бухоро шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Д.Ахмедов, Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (У.Файзуллаев), Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси (А.Абдуллаев) масъул ташкилотлар билан биргаликда:

шаҳар бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиш вазифалари топширилсин.

6. Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси (А.Абдуллаев)га Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш;

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

7. Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси (А.Абдуллаев), Кадастр агентлиги Бухоро шаҳар бўлими (Ж.Хабибов) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, шаҳарда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

8. Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси (А.Абдуллаев) Кон-геология фаолиятини назорат қилиш минтақавий инспекцияси ҳамда шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатиш топширилсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

9. Мажбурий ижро бюроси Бухоро шаҳар бўлими (Д.Собиров) Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси (А.Абдуллаев) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

10. Бухоро шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Б.Иноятов) жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

11. Бухоро шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Ф.Пўлотов ва К.Давроновга тегишли ташкилотлар билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра шаҳарда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auction» майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштиришда кўмаклашиш вазифаси юклатилсин.

12. Бухоро шаҳар ҳокимининг ўринбосари - инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи К.Давронов, Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси (А.Абдуллаев), Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (У.Файзуллаев) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

13. Бухоро шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Д.Ахмедовга:

тегишли ташкилотлар билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўриш ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатиш;

Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси (А.Абдуллаев) билан баргаликда шаҳарда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресурслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

14. Бухоро шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Б.Шарипов), Бухоро шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (Р.Мусаев), Давлат хизматлари маркази Бухоро шаҳар бўлими (Ф.Шарипов) ҳисобланган бож, жарима

ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўрсин.

15. Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарори лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатиш ва натижалари бўйича тавсиялар беришни мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

16. Бухоро шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Д.Ахмедов, Ф.Пулатов, К.Давронов, У.Наджимидинов, Б.Иноятовга тегишли ташкилотларни жалб қилган ҳолда:

шаҳар бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтириш;

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутатлари, Ёшлар ишлари агентлиги Бухоро шаҳар бўлими, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда ҳокимлик расмий веб-сайтига жойлаштириб бориш топширилсин.

17. Бухоро шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Д.Ахмедов тегишли ташкилотлар билан биргаликда маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳамда ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан эришилган натижалар бўйича ҳар чоракда Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига ҳисобот киритиб борсин.

18. Бухоро шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати (Г.Иброҳимова):

“2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин;

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг мазкур қарорини “Бухоро оқшоми” газетасида эълон қилинишини таъминласин ҳамда шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

19. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Д.Ахмедов зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ж.Носиров**

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-63-109-2-42-K/21-сон қарорига
1-илова

Бухоро вилоятининг 2022 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2023-2024 йилга мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз	Мўлжал	
			2023 йил	2024 йил
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	42 315,0	48 818,0	56 233,0
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	106,7	107,0	107,6
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	111,8	111,6	111,4
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	108,6	106,9	108,7
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	102,0	102,5	102,5
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	130,9	138,1	123,2

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-63-109-2-42-K/21-сон қарорига
2-илова

Бухоро вилояти Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги асосий даромад кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

№	Даромад тури	*Бухоро шаҳар*
		2022 йил
	Жами даромадлар	**212 997 603**
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**28 338 400**
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	354 230 000
	ажратма меёри	*8*
1.	маҳаллий бюджетга	28 338 400
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	118 047 000
	ажратма меёри	
2.	маҳаллий бюджетга	0
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**139 100 000**
	Туман ва шаҳарларга бириктирилган	**42 055 000**
1	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 685 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	8 640 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	11 482 000
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	82 000
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	16 598 000
6	Ижара тўловлари	2 568 000
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**97 045 000**
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	36 514 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	0
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	9 674 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	0
3	Юридик шахслар ер солиғи	15 454 627
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	0
4	Айланмадан олинадиган солиқ	44 221 000
	ажратма меёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	44 221 000
5	Йиғимлар	52 824 000

	ажратма меёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	52 824 000
	Вилоят бюджетига	**0**
1	Давлат божлари	
2	Давлат ташкилотлари фойда солиғи	
3	Жарималар	
4	Хусусийлаштириш	
5	Бошқалар	
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**45 559 203**
	Аҳоли сони (минг киши)	*282,5*
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	17 241 775
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	9 821 940
17	Тамаки маҳсулоти учун акциз солиғи	18 495 488
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**216 727 111**
	ТРАНСФЕРТЛАР	**3 729 508**

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-63-109-2-42-K/21-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун Бухоро шаҳар бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

Кўрсаткичлар		*Бухоро шаҳар*
		2022 йил
	ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ	**216 727 111**
1.	**ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ**	**144 974 123**
	шу жумладан:	
	- мактабгача таълим	16 104 175
	- умумий таълим	26 171 150
	- кадрлар тайёрлаш	-
1.2	Соғлиқни сақлаш	67 540 629
1.5	Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	-
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	3 557 199
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 147 020
	- спорт	2 410 179
1.4	Фан	-
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	31 298 186
1.6	Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	-
1.7	Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	-
1.9	Имтиёзли контингентдаги кишиларни бепул ташиганлик учун троллейбус хўжалигининг зарарини қоплаш	-
1.8	Тошкент метрополитенида кундузи соат 10:00 дан 16:00 гача бўлган кундузги даврда пенсионерларни бепул ташишда ва бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларни ташиш натижасида олинмай қоладиган даромадларни қоплаш	-
1.9	Шаҳар пассажир транспортида баъзи категориядаги кишиларнинг бепул юришларини бюджетдан қоплаш	-
1.10	Чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ва багажни ташиш бўйича хизматлар кўрсатилиши муносабати билан шаҳар йўловчи ташиш транспорти ташувчилари кўрадиган зарарларни қоплаш шунингдек шаҳар пасажир транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларни ташиш натижасида олинмай қоладиган даромадларни қоплаш	-
1.11	Фуқароларга етказилган зарарни коплаш	-
1.12	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	-
1.15	Ижтимоий кўникма марказлари	302 784
2.	**ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР**	**41 784 884**
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	-
2.2	Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари	-

2.3	Ободонлаштириш	39 010 901
2.4	Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш харажатлари	-
2.5	Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари	-
2.6	Махсус эксплуатация-монтаж харажатлари	-
2.7	Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш	-
2.8	"Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	
2.9	Хўжайли ва Чалиш сув йўли техник участкаси	
2.10	Иссиқлик таъминот корхоналарига субсидиялар	-
2.11	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	-
2.12	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	-
2.13	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	-
2.14	Чигиртка ва қизил капалакка қарши профилактика ва курашиш радиологик ва токсикологик кузатувларни олиб бориш, тупроқ ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги оғир металл тузлари ва пестицидлар чўкинди қолдиқлари, тўпланган радионуклидларни таҳлил қилиш бўйича чора-тадбирлар	
2.15	Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	-
2.16	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари	-
2.17	Ветеринария қўмитаси	747 701
2.18	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	-
2.16	Умум фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш ва эксплуатация харажатлари	
2.19	Автобус йўналишларининг йиллик субсидиялаш харажатлари	-
2.20	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	2 026 282
3.	**МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ХАРАЖАТЛАР**	**-**
4.	**ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**10 628 403**
	шу жумладан:	
4.1	Давлат ҳокимият органлари	
4.2	Давлат бошқарув идоралари	10 628 403
5.	**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**7 185 995**
6.	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ**	**2 025 277**
7.	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**10 128 429**
8.	**БОШҚА ХАРАЖАТЛАР**	**-**
	шу жумладан:	
7.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	-
7.2	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	
7.3	Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	-
7.4	Адвокатлик хизматлари харажатлари	-
7.5	Ички ва ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари	-
	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	**212 997 603**
	ТРАНСФЕРТ	**3 729 508**

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-63-109-2-42-K/21-сон қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига 2022 йилдаги ажратмалари меъёрлари

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи*	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи
1	Бухоро шаҳри	0	100	8	100	0	0	100	0	100
Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Давлат божи	Жарималар	Йиғимлар	Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратма**	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	Хусусийлаш-тириш	Бошқалар***
1	Бухоро шаҳри	100	100	0	0	100	0	100	0	0

Изоҳ: Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 3111104, 3111106, 3111300, 3111600, 3111800 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналтирилади.*

*** Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан давлат бюджетига ажратмалар бўйича 3412110, 3412112 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ вилоят бюджети даромадларига йўналтирилади.*

**** Ҳукумат қарорлари билан белгиланган нормативларга асосан тақсимланади.*

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-63-109-2-42-K/21-сон қарорига
5-илова

Шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Бюджетлар номи	**Даромад ***	**Харажат**
ЖАМИ	**212 997 603,0**	**216 727 111,0**
Бухоро шаҳри	212 997 603,0	216 727 111,0

** мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар бўйича ўтказиб бериладиган даромадлар билан биргаликда.*

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-63-109-2-42-K/21-сон қарорига
6-илова

Шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг.сўмда

Шаҳар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
ЖАМИ	**3 729 508,0**
Бухоро шаҳри	3 729 508,0

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-63-109-2-42-K/21-сон қарорига
7-илова

Шаҳар маҳаллий бюджетида 2022 йилда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг.сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Бухоро шаҳри	2 035 000,0

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-63-109-2-42-K/21-сон қарорига
8-илова

Бухоро шаҳарда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер учун маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида белгиланган ставкалар

МФЙ номи	Юридик шахслар учун ер солиғи ставкаси		Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси	
	Коэффицент миқдори	Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда)	Коэффицент миқдори	Солиқ суммаси (1 кв.м учун, сўмда)
1- сонли М.Наршахий МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0
2- сонли С.Бохарсий МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0
3- сонли Фуркат МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
4- сонли А.Навоий МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
5- сонли Ғ.Ғулом МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
6- сонли Кўкалдош МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
7- сонли И.Бухорий МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
8- сонли Х.Олимжон МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
9- сонли Ж.Икромий МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
10- сонли А.Фитрат МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
11- сонли С.Шерозий МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
12- сонли Х.Гунжорий МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
13- сонли Жўбор МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0
14- сонли Ибн-Сино МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
15- сонли Низомий МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
16- сонли М.Ашрафий МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0
17- сонли С.Рахимов МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0
18- сонли Дилкушо МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
19- сонли Ф.Хўжаев МФЙ	1,0	39 307 000	1,28	332,8
20- сонли М.Улуғбек МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
21- сонли Шергирон МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0

22- сонли Чорбахосса МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0
23- сонли Кўксарой МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
24- сонли Шайхул-олам МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
25- сонли Мохи-хосса МФЙ	1,0	39 307 000	1,28	332,8
26- сонли Турки-жанди МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
27- сонли Шарк-юлдузи МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
28- сонли М.Бурхонов МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
29- сонли Гулчорбоғ МФЙ	1,0	39 307 000	1,28	332,8
30- сонли Хавзи-нав МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
31- сонли Янги-обод МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0
32- сонли Гулистон МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0
33- сонли А.Ғиждувоний МФЙ	1,0	39 307 000	1,30	338,0
34- сонли Наврўз МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
35- сонли Бунёдкор МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
36- сонли Зарафшон МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
37- сонли А.Темур МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
38- сонли Пиридастгир МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
39- сонли Шодлик МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
40- сонли Р.Хамроев МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
41- сонли Гулшан МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
42- сонли Варахша МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
43- сонли О.Хўжаев МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
44- сонли Тўқимачи МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
45- сонли Фошун МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
46- сонли Дўстлик МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
47- сонли Истиқлол МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
48- сонли Ёшлик МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
49- сонли Навбахор МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
50- сонли Намозгох МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2

51- сонли Б.Накшбанд МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
52- сонли Авшормахалла МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
53- сонли М.Таробий МФЙ	1,0	39 307 000	1,28	332,8
54- сонли Лоша МФЙ	1,0	39 307 000	1,28	332,8
55- сонли С.Айний МФЙ	1,0	39 307 000	1,28	332,8
56- сонли А.Дониш МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
57- сонли Бехиштиён МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
58- сонли Тошмачит МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
59- сонли Ойбек МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
60- сонли Хўжамушкин МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
61- сонли Богидашт МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
62- сонли Сифатмуний МФЙ	1,0	39 307 000	1,32	343,2
63- сонли Шейхон МФЙ	1,0	39 307 000	1,28	332,8
64- сонли Отбозор МФЙ	1,0	39 307 000	1,28	332,8
65- сонли Ширбудин МФЙ	1,0	39 307 000	1,28	332,8